

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 12-ҳадис

12 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: كُلُّ أُمَّتٍ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ إِلَّا مَنْ أَبَى». قِيلَ: وَمَنْ يَأْبَى يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «مَنْ أَطَاعَنِي دَخَلَ الْجَنَّةَ، وَمَنْ عَصَانِي فَقَدْ أَبَى». رَوَاهُ الْبُحَارِيُّ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Рад қилғанлардан ташқари умматимнинг барчаси жаннатга киради», деганларида, улар: «Эй Аллоҳнинг расули, рад қиладиганлар ким ўзи?» дейишди. Шунда у зот: «Ким менга итоат қилса, жаннатга киради. Ким менга осийлик қилса, батаҳқиқ у рад қилибди», дедилар.

Ином Бухорий ривоятлари.

**Шарҳ:** Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: "Жаннат умматининг ҳар бири учун муҳайё қилиб, тайёрлаб қўйилгандир. Лекин қайсарлик билан рад этганлар кира олмайдилар", демоқдалар.

Ким жаннатга киришни рад этади?

Кимки, гуноҳда туриб олса ва бошдан охиригача Аллоҳ ва Унинг расулига итоат қилишдан бўйин товласа, Аллоҳнинг динидан юз ўгирса, дунёда мўминларни баҳтили қиладиган ва охиратда Аллоҳнинг розилигига олиб борадиган диннинг асли ва ҳукмларига қарши курашса, ана шу киши жаннатга кира олмайди.

### Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам хушхабар ҳам берар ва

огоҳлантирар ҳам эдилар.

2. Уммат ичидай шундай кишилар борки, улар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг бўйруқларига қарши чиқиб, жаннатга киришдан бош тортишади. Чунки у зот буюрган нарсаларнинг барчаси жаннат йўлига олиб боради.
3. Тушунмайдиган сўзни эшитган пайтимиизда изоҳ талаб қилишнинг аҳамияти.
4. Суннатга риоя қилиш жаннат учун йўналишдир.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

